Марказни таълим берадиган электрон мултимедиа дастурларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги юқори малакали мутахассислар, шунингдек лойиҳани самарали амалга оширишни кафолатловчи бошқа мутахассислар билан бутлаш чора-тадбирларини кўрсин.

**18. Озбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 мартдаги “Халқ таълими муассасаларининг молиявий-иқтисодий таъминотини такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тоғрисида**” қарори (№63)

***1-банд.*** Озбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоқистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2-иловага мувофиқ таркибда тегишли ҳудудий комиссиялар ташкил этсинлар.

Республика комиссиясига ва ҳудудий комиссияларга 2007 йил 1 июнгача бўлган муддатда:

халқ таълими муассасаларига марказлаштирилган хўжалик хизмати кўрсатиш бўйича марказлаштирилган бухгалтериялар ва гуруҳларнинг мол-мулкини белгиланган тартибда тегишли молия органлари балансига қабул қилиб олиш учун ушбу мол-мулкни хатловдан ўтказишни ташкил этиш;

Ҳар бир халқ таълими муассасаси бўйича харажатлар сметалари ва молиявий ҳужжатларнинг моддама-модда хатловдан ўтказилишини таъминлаш, бунда муассасаларнинг коммунал, фойдаланиш харажатлари ва бошқа сарф-харажатларга бўлган эҳтиёжи уларнинг оқувчилар сонига ва типига қараб ушбу муассасаларнинг харажатлар сметаларида назарда тутилган ажратиладиган маблағларга мувофиқ болишига алоҳида эътибор бериш;

халқ таълими муассасаларининг тегишли ташкилотлар ва муассасалар билан қарзларини 2007 йил 1 апрелдаги ҳолатига кўра солиштириш далолатномалари тузилишини назорат қилиш, шунингдек ушбу муассасаларнинг дебиторлик-кредиторлик қарзларини ундириш ва узиш бўйича зарур чора-тадбирлар корилишини таъминлаш вазифаларини амалга ошириш юклансин.

***2-банд.*** Озбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоқистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари ҳудудий молия органлари билан биргаликда 2007 йил мобайнида мактаб-интернатлар ва умумтаълим мактабларини малакали бухгалтерлар билан таъминласинлар.

**19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги “Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тоғрисида”** қарори (№225)

***2-банд.*** Озбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоқистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Ҳокимликлари билан биргаликда:

уч ой муддатда фаолият корсатаётган мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ушбу қарор билан тасдиқланган низомлар талабларига мувофиқлаштирсин;

мактабгача таълим муассасалари фаолияти устидан мунтазам назоратни таъминласин, уларга озларига юкланган вазифаларни амалга оширишида ҳар томонлама комаклашсин.

**20. Озбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги “Оилавий болалар уйлари тоғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”** қарори (№158)

***2-банд.*** Озбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоқистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

фаолият кўрсатаётган оилавий болалар уйлари фаолиятини уч ой муддатда ўргансин ва уларни ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқлаштирсин;

оилавий болалар уйлари фаолиятининг мунтазам назорат қилинишини таъминласин, улар зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

## МАВЗУ: «ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ ФАНИ, ПРЕДМЕТИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ. ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ДТС ВА ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ» (2 соат назарий)

**Мақсад: Тингловчилар онгига иқтисод фанини мазмуни, давлат таълим стандарти унинг моҳияти, такомиллаштирилган ДТС ва давлат талаблари ҳақида тушунча бериш.**

**Р Е Ж А:**

**1.Иқтисодий билим асослари фанинг мақсад ва вазифалари.**

**2. ДТСнинг мазмун ва моҳияти.**

**3. Такомиллаштирилган давлат таълим стандарти.**

**4. Давлат талаблари.**

**Назорат саволлари.**

**Тест саволлари.**

**Фойдаланган адабиётлар.**

## *УМУМИЙ ЎРТА ТАъЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАъЛИМ СТАНДАРТЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒъРИСИДА*

«Таълим тўғърисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғърисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тоғърисида» 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарори бажарилишини таъминлаш, таълим мазмунига ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда зарур тузатишлар киритиш, унинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маъкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 1998-1999 ўқув йилида таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтган умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

1998-1999 ўқув йилида таълим муассасаларида тажриба-синовдан ўтган умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурлари ва режаларини белгиланган тартибда тасдиқласин;

1999-2000 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув дастурлари билан биргаликда қуйидагича босқичма-босқич жорий етсин:

- 1999-2000 ўқув йили 5-6 синфлар;
- 2000-2001 ўқув йили 7-синф;
- 2001-2002 ўқув йили 8- синф;
- 2002-2003 ўқув йили 9- синф;

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини нашр этсин ва 1999 йил 1 сентябргача таълим муассасаларига етказсин;

Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига асосан оригинал дарсликларни яратиб, белгиланган тартиб ва муддатларда нашриётга топширсин;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб педагог кадрларни янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари билан фаолият кўрсатишларини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида яратилган оригинал дарсликларни буюртма ва эҳтиёж асосида ўз вақтида Чоп этиш ҳамда жойларга етказишни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги тақдим этган смета асосида давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларни нашр этиш учун сарфланадиган маблағъларни белгиланган тартибда ажратсин.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари учун давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишда таълим турлари ва босқичлари ўртасидаги узвийликни, таълим мазмуни узлуксизлигини таъминласин.
6. Мазкур қарорнинг бажарлишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С.Кароматов зиммасига юклансин.

## УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усулларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди. Таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланган стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларда (давлат ва нодавлат) таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ва бошқа меёрий ҳужжатларни яратиш учу насос бўлиб хизмат қилади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда енг асосийси ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобиляти ва қизиқишлари устиворлигидан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият корсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бойсунишидан қатъи назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

### *Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш ва жорий этиш асослари*

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий ҳужжатлар асос қилиб олинади:

«Таълим тўғърисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғърисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш билан боғълиқ фармонлари, фармойишлари ва асарлари;

Ўзбекитсон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғърисида» 1998 йил 5 январдаги 5-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғърисида» 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарорлари;

ЎзРСТ 1.0-92. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлаштириш тизими;

ЎзРСТ 1.1-92. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлаштириш тизими. Ўзбекистон Республикаси стандартини ишлаб чиқиш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби;

ГОСТ 1.5-93. Давлатлараро стандартлаш ишларини олиб бориш қоидалари. Стандартларнинг тузилиши, баёни, расмийлаштирилиши ва мазмунига бўлган талаблар;

ЎзРСТ 1.9-95. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлаштириш тизими. Тармоқлар стандартларини ишлаб чиқиш, келиши, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш принциплари.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти қуйидаги принципларга таянган ҳолда ишлаб чиқилди:

- Давлат таълим стандартининг давлат ва жамият талабларига, шахс эҳтиёжига мослиги;
- Ўқув дастурлари мазмунининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ҳамда фан-техника ривожланиши билан боғълиқлиги;
- Умумий ўрта таълимнинг бошқа таълим турлари ва босқичлари билан узлуксизлиги ва таълим мазмунининг узвийлиги;
- Умумий ўрта таълим мазмунининг инсонпарварлиги;
- Таълим мазмунининг Республикадаги барча ҳудудларда бирлиги ва яхлитлиги;
- Умумий ўрта таълимнинг мазмуни, шакли, воситалари ва усулларини танлашда инновациоя технологияларга таяниш;
- Педагогик тафаккурда қарор топган аноанавий қарашлар билан «Таълим тўғърисида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунларида ифодаланган замонавий талабларнинг узвийлиги;
- Илғъор демократик хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибаларидан миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш.

**Умумий орта таолим давлат таолим стандартининг таянч ўқув режаси**

Умумий ўрта таълим мактаблари учун таянч ўқув режаси давлат таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, у таълим соҳаларини

меъёрлашга ҳамда мактабнинг молиявий таъминотини белгилашга асос бўладиган давлат ҳужжатидир (1,2- жадваллар). Таянч ўқув режаси ўқув предмети бўйича бериладиган таълим мазмунини ўқувчига етказиш учун ажратилган ўқув соатларининг минимум ҳажмдаги миқдорини фиодалайди. У ҳар бир сифда муайян ўқув предмети бўйича давлат стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади.

## ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

*Иқтисодий билим асосларидан давлат таълим стандартлари.*

Умумий ўрта таълим мактаблари учун «Иқтисодий билим асослари» фани

бўйича давлат таълим стандарти

Умумий ўрта таълим мактабларининг 9- синф битирувчиси «Иқтисодий билим асослари» фани бўйича қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Иқтисодий ресурсларнинг эхтиёжларга нисбатан чекланганлиги муаммоси.

Имкониятлар ичидан бирини ёки бир нечтасини танлашга олиб келишини тушуниб етиш;

Танловнинг муқобил қийматини аниқлай олиш ва уни танлов натижасини бахолашда қўллай олиш;

Оқилона иқтисодий қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

Ишлаб чиқариш ва унинг омилларини таснифлаш.

Меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувдан иборат эканлигини англаш;

Ҳар қандай иқтисодий хўжалик юритиш тизими «нима ишлаб чиқариш керак?» ва «Ким учун ишлаб чиқариш керак?» деган саволларга жавоб бериши лозимлигини тушуниб етиш;

Иқтисодий тизимларни билиш,уларнинг ижобий ва салбий томонларини санаш ва ўзаро таққослай олиш;

Бозор иқтисодиётининг асосий устунлари: эркин иқтисодий фаолият, хусусий мулк, эркин нарх, фойда олишга бўлган интилиш, монополияни рад этиш ва рақобатнинг мохиятини билиш;

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётида ўтишнинг бешта тамойили мохиятини ва уларнинг мамлакат келажагида тутадиган ўрнини Президент И.Каримов асарлари асосида тушунтириш.
Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш мақсадида қишлоқ хўжалиги, молия-кредит сохаси, ташқи иқтисодий фаолият ва ижтимоий сохаларда олиб борилаётган ислохотларини ва мустақиллик даврида эришилган ютуқларини санаб корсатиш;
Бозор тушунчасини кенг маънода тушуниш ва бозор турларини билиш;
Талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати асосида товар нархининг шаклланиш механизмини билиш ва уни бозорда товар нархининг ўзгариш сабабларини тушунтиришда қўллай олиш;
Истеъмолчиларнинг даромад манбалари ва харажатларини билиш ва бозорда ўзини истеъмолчи сифатида тутишнинг оддий амалий кўникмаларини эгаллаш;
Истеъмолчилар худудларини билиш ва уларни химоя қилишда турли жамоат ташкилотлари, касаба уюшмаларининг рўлини билиш;

Турли хил мулк шаклларини бир биридан фарқлаш;
Ўзбекистон хусусийлаштириш жараёнини ва ялпи даромад ва фойдани топа билиш;

Бозор иқтисодиёти шароиида рақобатнинг моҳияти ва ахамиятини тушуниш ва турларини билиш;

Бозорларнинг монополлашиш даражасида қараб фарқлай олиш ва таққослаш;

Асосий экологик муаммоларни билиш ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини тушунтира олиш;

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятининг мохияти ва ахамиятини тушуниш;

Тадбиркорликнинг асосий ташкилий-худудий формаларини билиш ва фарқлай олиш;
Тадбиркорликда бошқариш ва маркетинг тадқиқотларнинг ахамиятини билиш;
Тадбиркорликни молиялаштириш йўл-йориқлари билан танишиш;
Пул ва унинг асосий вазифаларини билиш;
Солиқ ва унинг турларини ва уларнинг иқтисодиётдаги рўлини билиш;
Ўзбекистонги асосий солиқ турларини билиш;
Давлат бюджети харажат ва даромад қисмининг асосий ташкил этувчиларини билиш;
Ванклар, банк тизими ва Марказий банкнинг асосий вазифаларини билиш;

Кредитга маблагъ олишнинг асосий тамойилларини билиш;
Асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни билиш ва бахолай олиш;
Иқтисодий ўсиш ва турмуш даражасининг турли кўрсаткичларини билиш, аҳамиятини тушуниш ва баҳолай олиш;
Сиёсий барқарорлик ва фаровонликни таъминлашга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларини тушуниш;
Ишсизлик ва инфляциянинг моҳияти, сабаблари ва оқибатларини билиш ва таҳлил қилиш;
Давлатнинг фискал ва монетар сиёсатининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш;

Халқаро савдо ва ихтисослашувнинг афзалликларини билиш;
Эркин савдода тосқинлик қилувчи омилларни бахолай олиш;

Хорижий давлатлар валютаси курсининг аниқланиш механизмини билиш ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлил қила олиш.

***Иқтисодий билим асослари фанидан давлат таълим стандартига шарх.***

«Иқтисодий билим асослари» предмети бўйича давлат таълим стандарти Ўзбекистон Республикасида таълим ислохотлари натижасида таркиб топаётган умумий ўрта таълим мактаблари учун молжалланган. Мазкур хужжат ўрта умумий таълим давлат таълим стандарти тамойилларига мос ишлаб чиқилган бўлиб, унда унда умумий ўрта таълим мактабларида «Иқтисодий билим асослари» фани бўйича давлат томонидан мактаблар олдига қўйилган меъёрий талаб даралари акс эттирилган.

Республикамизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиб, бозор иқтисодиёти томон юз тутиши,буюк келажакни яратувчи баркамол авлоди, янги замон ва янги замонда ўта долзарб бўлган вазифани келтириб чиқади. Хозирда, вужудга келган иқтисодий шароит янгича маънавий тафаккурда эга бўлган, дунёда янгича кўз билан қарайдиган,
Янгича фикрлайдиган янги авлоднинг иштирокини тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тогърисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг қабул қилиниши бу соҳадаги қилинадиган ишлар кўламини ва йоналишларини белгилабгина қолмасдан, таълим соҳасида ўзига хос инқилобий бурилиш ясади.Миллий умумийўрта таълимнинг ҳалқаро даражага олиб чиқиб, уни жаҳон андозаларига мос қилиб, тубдан ислоҳ қилиш мамлакатимиз таълим тизими олдида турган энг устивор вазифаларидан бири сифати белгилаб қўйилади. Жамият ҳаётида оламшумул ўзгаришлар рой бераётган таълим тизими тубдан қайта кўриб чиқилаётган бир даврда, таълимнинг ҳар бир соҳаси, ҳар бир фан оқитилишининг мақсади, мазмуни, шакллари, усуллари ва воситалари услубий тизими, уларга қойилаётган меъёрий талаблар даражасини қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш лозим бўлади. Шу билан бирга, иқтисодий

таълим мамлакатимиз умумтаълим мактаблари учун янгилик бўлиб, бу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ва ташкилий тадбирлар кўлами ўзининг ўта долзарблиги, маъсулиятлилиги билан ажралиб туради.

Ушбу иқтисодий таълим давлат стандарти Ўзбекистон Респубдикаси таълим тизимининг ислоҳоти натижасида таркиб топиши кўзда тутилаётган умумўрта таълим мактабларида «Иқтисодий билим асослари» фани бўйича оқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган меъёрий талабларни, мактабдаги иқтисодий таълим ўқувчилар учун яратиб берадиган имкониятларни ёритиб беради.

«Иқтисодий билим асослари» фани бўйича давлат таълим стандартини тузишда, бир томондан маутабларда ўтказган синов натижалари ва шахсий тажрибалардан фойдаланилагн бўлса, иккинчи томондан ривожланга мамлакатлардаги иқтисодий таълим стандарти, меъйор ва дастурларининг ижобий томонлари ҳисобга олинди.

### *Ўрта мактабда иқтисодий таълим мақсад ва вазифалари*

«Иқтисодий билим асослари» фани бўйича стандартларни тузишда иқтисодий таълимнинг мақсадини белгилаб олиш зарурдир. Иқтисодий таълимнинг асосий мақсади-------ўқувчининг иқтисодий фаолият субекти сифатида қаралган ҳолда ўқувчиларнинг келажакдаги ҳаёт қобилиятларини ошириш ва бунинг учун иқтисодий фаолият тузилишини органиш, ундаги ўзининг ўрнини ҳис этиш, замонавий иқтисодий ҳулқ-атвор нормаларини,иқтисодий маданиятни эгаллаш, замонавий иқтисодий фикрлашни шакллантириш, меҳнат воситаларига ва натижаларига тежамкорлик муносабатини тарбиялашдаш иборатдир.

Иқтисодий таълим яна қуйидаги мақсадларга эришишига ҳам имконият яратади:

- миллий мустақиллик, халқимизнинг тарихий, интелектуал, маънавий ва иқтисодий меросини ўргатиш;
- ваианпарварлик, миллий гъурурни таркиб топтириш, ривожлантириш, иқтисодиёт илми ривожида хисса қўшган қомусий олимларимиз илмий меросидан хабардор қилиш;
- ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш;
- ўқувчиларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, янги иқтисодий маданият ва тафаккурни шакллантириш;
- замонавий иқтисодий билим асослари ва тадбиркорлик асосларини сингдириш;
- Республикамизнинг иқтисодий салоҳияти, олиб борилаётган иқтисодий сиёсат асослари, бозор иқтисодиётида ўтиш тамийиллари билан таништириш;
- ўқувчиларга янги вужудга келган иқтисодий шарт-шароитлар асосида яшаш ва фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган энг зарур иқтисодий билим ва малакаларни бериш;

- ўқувчиларни жамият тараққиётида бўлаётган ўзгаришларнинг иқтисодий моҳиятини англаш, таҳлил қилиш, фикр юритиш ва ўз муносабатини билдириш, иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган муаяян хаётий вазифаларидан энг муқобил ечим топа билишга ўргатиш.

***Ўрта мактабда «Иқтисодий билим асослари» фани бўйича ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар.***

8 синф ўқувчиси йил охирида қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим:

- иқтисодий ресурсларининг эҳтиёжларга нисбатан чекланганлиги муаммоси, имкониятлар танлашга бирини ёки бир нечтасини танлашга олиб келишини тушуниб етиш;
- танловнинг муқобил қийматини аниқлай олиш ва уни танлов натижасини баҳолашда қўллай олиш;
- оқилона иқтисодий қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ишлаб чиқариш ва унинг омилларини ташифлаш;
- меҳнат тақсимоти ва ихтисослалашувдан кўзланган асосий мақсад унумдорлигини оширишдан иборат эканлигини аниқлаш;
- Ҳар қандай иқтисодий хўжалик юритиш тизими «Нима ишлаб чиқариши керак?», «Қандай ишлаб чиқариши керак?» ва «Ким учун ишлаб чиқариши керак?» деган саволларга жавоб бериши лозимлигини тушуниб етиш;
- иқтисодий тизимларни билиш, уларнинг ижобий ва салбий томонларини санаш ва ўзаро таққослай олиш;
- бозор иқтисодиётининг асосий устунлари: эркин иқтисодий фаолият, хусусий мулк, эркин нарх, фойда олишга бўлган интилиш, монополияларни рад этиш ва рақобатнинг моҳиятини билиш;
- Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётида ўтишнинг беш тамойилларининг моҳиятини ва уларнинг мамлакат келажагида тутадиган ўрнини Президент И.Каримов асарлари асосида тушунтириш;
- Республикамизда бозор иқтисодиётида ўтиш мақсадида қишлоқ хўжалигида, молия-кредит соҳасида, ташқи иқтисодий фаолиятда ва ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларни ва мустақиллик даврида эришилган ютуқларини асосий мақсадларини тушуниш;
- Ишсизлик ва инфляциянинг моҳияти, сабаблари ва оқибатарини билиш ва таҳлил қилиш;
- Давлатнинг фискал ва монетар сиёсатининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш;
- Халқаро савдо ва ихтисослашувнинг афзалликларини билиш;
- Эркин савдода тосқинлик қилувчи омилларни баҳолай олиш;

- Ҳорижий давлатлар валютаси курсининг аниқланиш механизмини билиш ва унга таъсир этувчи омилларни тахлил қила олиш;
- Банк кредити ва омонат бўйича йиллик фоиз ставкаси асосида қарз ва омонат фоизини топиш;
- Маълум шартлар асосида турли хил солиқларни хисоблай олиш;
- Ялпи миллий махсулот, миллий даромадни шартли масалаларда хисоблай олиш, тахлил қилиш ва таққослай билиш;
- Аҳоли жон бошига келадиган ялпи миллий махсулот ҳажмини аниқлай билиш;
- Ишсизлик даражасини топа билиш;
- Маълум содда шартлар асосида шартли давлат бюджетининг харажат ва даромад қисмларини аниқлаш;
- Пул муомаласи қонунига кўра пул массаси, айланиш тезлигини топа билиш;
- Экспорт ва импорт бўйича тахлилий балансни аниқлаш;
- Маълум шартларда мамлакат учун экспорт ва импортнинг қай бири мақбул бўлишини аниқлаш;
- Маълум шартлар асосида турли давлат валютаси курсларини аниқлаш.

Ўқувчилар иктисодий билим асосларига оид қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- асосий иқтисодий қонуниятлар, тушунча ва атамаларни билиш, уларнинг моҳиятини тушуниш;
- маркетинг, талаб ва таклиф ҳақида билимга эга бўлиш;
- тадбиркорлик ва рақобат ҳақида фикр юрита олиш;
- меҳнат муносабатлари ва иш ҳақи ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- солиқ тизими ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- мулк ва мулкий муносабатларни билиш;
- пул, нарх, молия, давлат бюджети ва банк фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- маркетинг ва менежмент фаолиятини билиш;
- оила хўжалигини юритишнинг умумий қоидаларини, оила бюджетини шакллантиришда фойда, чиқим ва уларнинг манбаларини билиш;
- бозор шароитида (шаҳар ва қишлоқ шароитидаги) оилаларнинг иқтисодий алоқаларини таққослай олиш;
- истеъмол товарлари рекламаси таҳлилини билиш;
- мактаб хўжалигини юритиш механизмини тушунтира олиш;
- тадбиркорлик турларини (ишлаб чиқариш, тижорат, молиявий) билиш;
- Президент асарларини билиш, уларда илгари сурилган ғоялар асосида мушоҳада юрита олиш;

- Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш тамойилларини билиш;
- Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки тушунчаларини билиш;
- бозор ва унинг турларини билиш;
- ижтимоий фойдали ва унумли меҳнат кўникмаларига эга бўлиш.

## ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Иқтисодий таълим тизимини ислоҳ қилиш нима учун зарур бўлиб қолди?

Иқтисодий таълимни тубдан ўзгартиришга бўлган зарурият мамлакатимизнинг мустақилликка эришганидан кейинги даврда жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар, бозор муносабатларига ўтиш, ижтимоий муносабатларни иқтисодиётга мувофиқлаштириш, кўпчилик ривожланган мамлакатларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда оммавий фикрлашни, тафаккурни янгича шакллантириш ва янгича иқтисодий маънавиятни вужудга келтириш билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасининг «кадрлар тайёрлаш миллий дастури» иқтисодий таълимни ислоҳ қилишни, уни замон талабига мослаштиришни, унинг ички тизимини тубдан қайта ташқил қилишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида» ги низоми ислоҳот йўналишларини белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг янги тузилаётган таълим тизимида таркибий ислоҳотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203-сонли қарори муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни қояди.

## *ИҚТИСОДИЙ ТАъЛИМ МАҚСАДЛАРИ*

«Иқтисодий билимлар асослари» фани бўйича стандартни тузишда иқтисодий таълимнинг мақсадини белгилаб олиш зарурдир. Иқтисодий таълимнинг асосий мақсади-ўқувчини иқтисодий фаолият субоекти сифатида қаралган ҳолда ўқувчиларнинг келажагидаги қобилиятларини ошириш ва бунинг учун иқтисодий фаолият тузилишини ўрганиш, ундаги ўзининг ўрнини ҳис этиш, замонавий иқтисодий хулқ-атвор нормаларини, иқтисодий маданиятни эгаллаш, замонавий иқтисодий фикрлашни шакллантириш, меҳнат воситаларига ва натижаларига тежамкорлик муносабатини тарбиялашдан иборатдир.

Иқтисодий таълим яна қуйидаги мақсадларга эришишга ҳам имконият яратади:

- миллий мустақиллик, ҳалқимизнинг тарихий, интеллектуал, маънавий ва иқтисодий меросини ўргатиш;
- ватанпарварлик, миллий ғъурурни таркиб топтириш, ривожлантириш, иқтисодиёт илми ривожига ҳисса қўшган қомусий олимларимиз илмий меросидан ўқувчиларни хабардор қилиш;
- ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш;
- ўқувчиларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, янги иқтисодий маданият ва тафаккурни шакллантириш,
- замонавий иқтисодий билим асослари ва тадбиркорлик асосларини сингдириш;
- республикамизнинг иқтисодий салоҳияти, олиб борилаётган иқтисодий сиёсат асослари, бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари билан таништириш;
- ўқувчиларга янги вужудга келган иқтисодий шарт-шароитлар асосида яшаш ва фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган энг зарур иқтисодий билим ва малакаларни бериш;
- ўқувчиларни жамият тараққиётида бўлаётган ўзгаришларнинг иқтисодий моҳиятини англаш, таҳлил қилиш, фикр юритиш ва ўз муносабатини билдириш, иқтисодиёт билан боғлиқ бўлган муайян ҳаётий вазиятларда энг маъқул ечим топа билишга ўргатиш.

«Иқтисодий билимлар асослари» Курсини битиргандаги тайёргарлик даражасига бўлган талаблар.

Ўқувчи қуйидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим:

- ўқувчи қуйидаги тушунчаларни, амалий жараёнларни ёритиб бера олиш даражасида ўзлаштириши керак: натурал ва товар хўжалиги, иқтисодиётнинг асосий муаммоси, айрибошлаш, пул, пул вазифалари, товар-пул алмашуви, чиқим, даромад, фойда, зарар, ишлаб чиқариш омиллари, ишлаб чиқариш унумдорлиги, меҳнат тақсимоти, режали ва бозор иқтисодиётлари, хусусийлаштириш, бозор муносабатлари, бозорнинг турлари, нархлар, талаб ва таклиф, талаб ва таклиф қонунлари, рақобат, монополия, олигополия, эркин рақобатли бозор, экология, чиқинлисиз технологиялар, тадбиркор ва тадбиркорлик, фирма турлари, безнес-режа, таваккалчилик, безнес этикаси, тижорат сири, иш ҳақи, бошқарув (менежмент), бухгалтерия хисоби, иқтисодиё таҳлил, маркетинг, реклама, муқобил товарлар, ўринбосувчи товарлар, тўлдирувчи товарлар, давлат харажатлари, солиқлар, давлат бюджети, ялпи миллий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, банк кредити, кредит фоизи, инфляция, гиперинфляция, биржа, қимматбаҳо қоғъозлар, суғъурта, экспорт, импорт, божхона, божхона тўловлари, тўлов баланси, пул эмиссияси, валюта курси, иқтисодий тараққиёт, инвестициялар;
- эҳтиёжларнинг турларини, чексизлиги ва уларни қондиришга зарур бўлган ресурсларга номутаносиблигини англаш;

- моддий эҳтиёжларни қондиришни ахлоқий нормалар ва иқтисодий мақсадга мувофиқликлар билан боғлаш;
- ўз келажак мақсадларини (танлаган мутахасислигини), қобилятлари ва имкоятлари билан боғлаш;
- иқтисодий фаолиятни бажариш усулларини танлаш учун олган билимларни қўллаш;
- жамият иқтисодий ҳаётининг алоҳида томонларига тегишли турли статистик маълумотларни таққослаш;
- мулкнинг у ёки бу шаклга тегишлилигини, саъноат ва истеъмол товарларини аниқлаш;
- саноат ва истеъмол товарларини таққослаш;
- бюджет таҳлили (оила, корхона ва бошқалар) учун иқтисодий хисоб-китоб (калокуляция тузиш, таннархни аниқлаш, нарх қўйиш, фойдани хисоблаш чиқиш ва бўшқалар) учун билимларни қўллаш;
- талаб ва таклифнинг нарх билан ўзаро муносабати тушунчасини билиш, бозор холатларига талаб ва таклиф қонунлари бўйича билимларни қўллаш;
- турли бозор холатларининг эркин ва чекланган турларига мисоллар келтириш (монополия, олигополия); бозорнинг содда ташкилий тузилмалари; ташқи мухитнинг бозорга таъсирини аниқлаш;
- турли корхона турлари, шакллари ва тадбиркорлик фаолияти кўринишларидан мисоллар келтириш;
- кичик тадбиркорлик афзалликлари ва камчиликларини қиёслаш ва боғълаш;
- тадбиркорлик фаолиятининг ташкилий шаклларини ва тузилмасини унинг асосий кўринишлари бўйича таҳлил қилиш;
- асосий иқтисодий масалаларни ечишда давлат аралашуви даражасига боғълиқ турли иқтисодий тизимларни қиёслаш; имконият ва ишлаш қийинчиликлари нуқтаи назаридан корхоналар ва мулк шаклига оид корхоналар (хусусий хўжалик, шерикчилик, аксиядорлик жамияти, давлат корхонаси) ни таққослаш;
- дастлабки маълумот бўйича тақчиллик даражасини, безнеснинг аниқ бир турининг режалаштирилган даромадлар ва харажатлар, корхона эҳтиёжларини қиёслаш йўли билан мақсадга мувофиқлигини ва самарадорлигини аниқлаш;
- бозор шароитидаги тадбиркор ва ходимларнинг ахлоқ қоидаларини белгиловчи мисоллар келтириш;
- бозорнинг давлат томонидан бошқарилишига мсоллар келтириш;
- товар ва хизматлар ишлаб чиқариш соҳасининг умумий тавсифини, бозорнинг ишлаш механизмини, бозорни давлат томонидан бошқаришнинг хозирги замон услублари, бозор муносабатлари шакллари ва тизимлари, биржа ва банк ишларининг асосларини, маркетинг тамойиллари ва вазифаларини ишлаб чиқаришни, ходимларни, маҳсулот сифатини, молияларни, ўз-ўзини бошқариш асосларини умумий яхлитликда тасаввур қила олиш;

- иқтисодиётнинг асосий муаммосининг маъносини тушуниб етиш ва бу муаммони ечишнинг иқтисодиёт фани олдида турган бош масала эканлигини тушуниш;
- ишлаб чиқаришнинг зарурлигини англаш, ишлаб чиқариш омилларини ва уларнинг вазифаларни фарқлай билиш;
- натурал хўжаликдаги муносабатларнинг асосий камчиликларини ва шу камчиликларнинг айирбошлашни зарур қилиб қўйганлигини тушуниб етиш;
- товар хўжалиги ва айирбошлашнинг иқтисослашув ва меҳнат тақсимоти натижасида вужудга келганлигини идрок қилиш;
- пулнинг келиб чиқиш ва ривожланиш тарихини мантиқан таҳлил қилиб, пулнинг моҳиятини ва унинг муҳимлигини хулосалаш;
- пулнинг вазифалари ва аҳамиятини ажраа олиш;
- пулнинг айланиши, пул эмиссияси, инфляция, гиперинфлясия тушунчаларининг моҳиятларини тушуниш;
- иқтисодий кўрсаткичлар, даромад, чиқим, фойда, зарар, рентабелликлар орқали иқтисодий фаолиятни таҳлил қилишни ўрганиш;
- харажатларни камайтириб даромадни копайтирган ҳолда яхши иқтисодий натажаларга эришишга ўрганиш;
- уй-рўзғъор, оила хўжалигини юритиш кўникмаларини шакллатириш;
- талаб ва такиф тушунчаларини ўзлаштириб, бу тушунчаларни бозордаги аҳамият ва ўрнини англаб етиш;
- талаб ва таклифнинг ўзаро муносабатини ва уларнинг нарх билан ўзаро муносабатларини топа билиш;
- нархнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги белгиланиш тамойиллари билан танишиш ва режали иқтисодиётдаги нарх ўрнатилиши тамойилларидан фарқларини англаш;
- тарихдаги иқтисодий тизимлар, айниқса режали иқтисодиёт камчиликларини таҳлил қила билиш;
- бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги иқтисодиё фаолиятнинг ўзига хослигини тушуниб етиш;
- Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили маъносини тушуниш ва уларнинг Ўзбекистон келажаги учун аҳамиятини англаш;
- Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти шароитидаги тараққиёти тўғърисидаги билимларга эга бўлиш;
- мулк ва мулкий муносабатларнинг иқтисодиётдаги рўлини, мулкнинг шаклларини, мулкдорнинг иқтисодиёт фаолиятидаги афзалликларини тасаввур қилиш;
- оилавий мулк ва мулкдан фойдаланишда иқтисодий ёъндошиш кўникмаларини хосил қилиш;
- хусусийлаштиришнинг иқтисодий тараққиётнинг мухим шарти эканлигини, Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнининг боришини тавсифлай олиш;

- рақобатнинг бозор иқтисодиётида марказий ўрин тутушини ва эркин рақобатга йўл очиш-иқтисодий тараққиётга йўл очиш эканлигини тушуниб етиш;
- бозорнинг монополлашиш нуқтаи назаридан турларини фарқлай билиш;
- давлатнинг эркин рақобатнинг ҳимоячиси эканлиги сабабларини тушунтира билиш;
- иқтисодий фаолиятнинг атроф-мухитга таъсирини, экологик муаммоларнинг мухимлиги ва муаммоларни ечиш бўйича Ўзбекистон Республикаси хукуматининг чора-тадбирларини санай олиш;

***Ўқувчилар иқтисодий масалаларини ечиш бўйича қуйидаги кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим:***

- маълум шартлар асосида айирбошлашни ташкил қилиш;
- танлов натижасига кўра муқобил қийматни аниқлаш;
- ишлаб чиқариш имкониятлари соҳасини аниқлай билиш;
- талаб ва таклиф эгри чизиқларни чизиш ва улар асосида мувозанат нархни топа билиш;
- оила харажатлари ва даромадлари миқдорни аниқлаш ва бюджетини тузиш;
- маҳсулот таннархи, ишлаб чиқариш нархи, чакана ва улгуржи нархларни аниқлай билиш;
- шартли корхона мисолида, унинг чиқими, даромади, фойда ва зарар, рентабеллиги ва меҳнат унумдорлигини аниқлай билиш;
- банк кредити ва омонат бўйича йиллик фоиз ставкаси асосида қарз ва омонат фоизини топиш;
- маълум содда шартлар асосида вақтбай ва ишбай ҳақ микдорини аниқлаш;
- акциядан олинадиган двидентни хисоблаш;
- маълум шартлар асосида турли хил солиқларни хисоблай олиш;
- ялпи миллий маҳсулот, миллий даромадни шартли масалаларда хисоблай олиш, таҳлил қилиш ва таққослай билиш;
- аҳоли жон бошига келадиган ялпи миллий маҳсулот ҳажмини аниқлай билиш;
- талаб ва таклифга таъсир этувчи омилларни аниқлай билиш;
- умумий харажат, даромад фунцияларига кўра фойда функциясини аниқлаш, фойда ва зарар соҳаларини ажратиш;
- корхонанинг зарар кўрмаслик нуқтасини аниқлаш;
- корхона иқтисодий фаолиятини таҳлил қилиш;
- содда шартли мисолда бухгалтерия балансини тузиш, актив ва пассивларни аниқлаш;
- энг содда безнес режаларини туза олиш;
- соф фойда хисоблаш;
- акциянинг номинал ва бозор қийматини аниқлаш, акцмя курсини аниқлаш;
- ишсизлик даражасини топа билиш;

- маълум содда шартлар асосида шартли давлат бюджетининг харажат ва даромад қисмларини аниқлаш;
- пул муомаласи қонунига кўра пул массаси, айланиш тезлигини топа билиш;
- инфляция даражасини хисоблай билиш;
- экспорт ва импорт бўйича толов балансини аниқлаш;
- маълум шартларда мамлакат учун экспорт ва импортнинг қай бири мақбул бўлишини аниқлаш;
- маълум шартлар асосида турли давлат валютаси курсларини аниқлаш;

Республикамизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиб, бозор иқтисодиёти томон юз тутиши, буюк келажакни яратувчи баркамол авлодни, янги замон ва янги жамият кишисини тарбиялашдек ўта масоулиятли, машаққатли ва айни замонда ўта долзарб бўлган вазифани кўндаланг қлиб қўйди. Хозирда, вужудга келган иқтисодий шароит янгича маънавий тафуккурга эга бўлган, дунёга янгича кўз билан қарайдиган, янгича фикрлайдиган, авлоднинг иштирокини тақазо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғърисида» ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»-нинг қабул қилиниши бу соҳадаги қилинадиган ишлар кўламини ва йўналишларини белгилабгина қолмасдан, таълим соҳасида ўзига хос инқилобий бурилиш ясади. Бу орада Вазарлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғърисида»ги 203-сонли қарори муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда миллий умумий ўрта таълимни ҳалқаро даражага олиб чиқиш, уни жаҳон андозаларига мос қилиб, тубдан ислоҳ қилиш мамлакатимиз олдида турган энг устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Жамият ҳаётида оламшумул ўзгаришлар рўй бераётган, таълим тизими тубдан қайта қуриб чиқилаётган бир даврда, таълимнинг ҳар бир соҳаси, ҳар бир фан ўқитилишининг мақсади, мазмуни, шакллари, усуллари ва воситалари, услубий тизими, уларга қойилаётган меъёрий талаблар даражасини қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш лозим бўлади. Шу билан бирга, иқтисодий таълим мамлакатимиз умумтаълим мактаблари учун янгилик бўлиб, бу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ва ташкилий тадбирлар кўлами ўзининг ўта долзарблиги, масулиятлиги билан ажралиб туради.

***«Иқтисодий билимлар асослари» предметининг мактаб ўқув режасидаги ўрни.***

«Иқтисодий билимлар асослари» предмети мактабда ўқитиладиган барча фанларни иқтисодий билимлар билан умумий комплексда интеграциялашга таянади. Иқтисодий тафаккур жуғърофия, тарих, информатика, математика ва бошқа умумтаълим фанлари аосида ҳам шаклланади. Мактаб ўқув фанлари дастурларига айрим иқтисодий тушунчаларнинг киритилиши, бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчиларнинг

ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашга ҳамда иқтисодий фанларни ўрганиш жараёнини чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Хусусан бунда, масалан, ***математика предмети*** таркибида иқисодий тушунчаларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади; эҳтиёжлар, ресурслар, айирбошлаш, товар, пул, чиқим, даромад, фойда, зарар, унумдорлик ва хосилдорлик, валюта айирбошлаш, доромад ва исътемол функцияси, ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳажми, талаб ва таклиф, мувозанат нарх, солиқлар, нарх монополлашган бозор, аммортизатция, банк, кредит ва ҳоказо.

Бу тушунчаларни турли иқтисодий характердаги масалалар ва мисоллар таркибида бериб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

***Тарих ва бошқа ижтимоий фанлар*** орқали қуйидаги иқтисодий тушунчалар киритилса бўлади: асосий моддий эҳтиёжлар, иқтисодий муносабатлар, таклиф қонуни, меҳнат тақсимоти, мулк шакллари, корхона турларининг кўп қирралилиги, иқтисодий давр, иқтисодий тизимлар, иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилиши, бозор иқтисодиёти, иқтисодий интеграция, иқтисодий маданият ва ҳакозо.

***«Жоғърофия» предмети*** қуйидаги иқтисодий масалаларни ёритувчи мазмуний йўналишларни очиб беради: жоғърофик меҳнат тақсимоти, иқтисодиётнинг худудий жойлашуви ва ривожланиши, хўжаликнинг хозирги замон тузилмасини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий объектлар, хўжалик юритиш фаолиятининг асосий турлари ва уларнинг жоғърофик турланишлари, хозирги замон хўжалик юритиш маданияти.

***«Меҳнат» ва бошқа технологик фанлар*** ичида қуйидаги тушунчаларни ёритиш мумкин: оила хўжалигини юритиш иқтисодиёти, тадбиркорлик фаолияти асослари, меҳнат фаолиятининг самарадорлиги шарт-шароитлари (фаолиятнинг умумий йўналтирувчи асосларини, умумий меҳнат ва махсус махоратларни, меҳнат қилиш маданиятини эгаллаш); иқтисодий билимлар ва махоратларни қўллаш учун амалий асос яратиш.

Шу билан бирга иқтисодий саводлиликни давлат меъёри сифатида қабул қилинишига имконият берадиган, шахснинг реал имкониятларини, ижтимоий-маданий мухит ахволини хисобга оладиган, иқтисодий тизим, ишлаб чиқариш, айирбошлаш, неъматлар ва хизматларни тақсимлаш ва исътемол қилишни хисобга олувчи, асосий хусусиятларни ажратиб берувчи махсус фан керак бўлади.

Бундай фан вазифасини мактабларда ўқитила бошлаган ***«Иқтисодий билимлар асослари» предмети бажаради***. Илгарироқ таъкидлаганимиздек, бу предмет мактабнинг иқтисослашганлигига, кадрлар билан таъминланганлигига, ўқувчиларнинг билим савиясига ва бошқа имкониятларга қараб хар хил ҳажмда ўқув режасига киритилиши мумкин.

***Иқтисодий таълимнинг асосий мазмуний йўналишлари.***

«Иқтисодий билим асослари» фанини ўқитишда изчилликни, унинг бошқа таълим соҳалари билан ўзаро боғълиқлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги мазмуний йўналишларни кетма-кет ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Агар 8-синфгача қитисодий таълим алоҳида фан сифатида ўқитилмаган бўлса, барча тушунчалар янги киритилади ва стардарт талаблари даражасигача ўзлаштирилишига имконият яратилади. Қуйи синфларда иқтисодий билимлар билан таниш ўқувчилар эса олдинги отилган кўпгина иқтисодий тушунчаларни такрорлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш назарда тутилади ва шу воситада ўқувчиларни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида махсус иқтисодий билимлар олишларига замин тайёрланади. Олдинги синфларда киритилмаган айрим мураккаброқ тушунчалар эса ушбу синфларда киритилади.

## 8-СИНФДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАъЛИМ.

8-синфдаги иқтисодий таълим иқтисодиётнинг назарий асосларини ёритишга қаратилади. Иқтисодий таълим мазмунининг мажбурий минимуми қуйидагилардан иборат: эҳтиёжлар чексиз, ресурслар эса чегараланган; ишлаб чиқариш; айирбошлаш, товар, пул, товар пул алмашуви, чиқимнинг ташкил этувчилари, даромад ва фойдани хисоблаш ва тақсимлаш, оила хожалигини юритишнинг умумий қоидалари, оила бюджети, меҳнат тақсимоти, технология тараққиёти, иқтисодий тизимлар, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишидаги ўзига хосликлари, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойили; мулк ва мулкий муносабатлар, мулк шаклларни, хусусийлаштириш, бозор шароитида товар-пул муносабатлари, нархлар, таклиф, талаб, талаб ва таклифнинг ўзаро муносабатлар, талаб ва таклифнинг нархга боғлиқлиги, рақобатнинг бозордаги ўрни, рақобатни чеклашга харакатлар, монополияга қарши кураш, табиатни мухофаза қилиш, чиқиндисиз технология.

## 9-СИНФДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАъЛИМ.

9-синфда асосий диққат Бизнес (тадбиркорлик) асослари ва макроиқтисодиёт масалаларига қаратилади. 9-синфда иқтисодий таълим мазмунининг мажбирий минимуми қуйидагилардан иборат: Бизнес ва бизесмен (тадбиркорлик ва тадбиркор); фирма очиш ва фирманинг турлари; фирманинг жойлаштириш; бошқарув (менежмент) саноати; бошқарув элементлари; мактаб хўжилигини бошқариш; менежернинг сифатлари; тадбиркор ва ходим; бизнесда хисоб-китоб ва таҳлил; фирманинг маблағълари; маркетинг тушунчаси; маркетинг элементлари; рекламанинг маркетинг тизимидаги ўрни; нархга тасир қилувчи омиллар; боғълиқ ва тўлдиривчи товарлар нарх ва таклиф чизиғининг харакати; бизнес ва давлат; давлатнинг харажатлари; давлат маблағълари ва уларни тўплаш воситалари; солиқлар ва уларни турлари, Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими; банкларнинг иқтисодиётдаги ўрни; банкларнинг турлари; банк маблағларининг тўпланиши ва сарфланиши; халқаро бозор; эксперт, инпорт;

божхона тўловлари; Ўзбекистон жахон бозорида; ишсизлик; ишсизлик даражаси; меҳнат биржалари; жамоат жамғъармалари; Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти давридаги тараққиёти.

Барча мазмуний йўналишлар орқали «Иқтисодий билимлар асослари» фанининг тарбиявий вазифалари амалга оширилади: хўжайинлик, тадбиркорлик, фаолият оқибатлари ва натижаларига жавобгарлик, мустақил қарорлар қабул қилишга тайёргарлик туйғъуларини тарбиялаш кўзда тутилади.

## «ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР АСОСЛАРИ» ПРЕДМЕТНИНГ ЎҚУВЧИЛАР УЧУН ЯРАТАДИГАН ИМКОНИЯТЛАРИ 8-СИНФ

Ушбу мазмуний йўналишнинг ўқув материалларини ўқитиш ўқувчиларга қуйидаги имкониятларни беради:

- эҳтиёжларнинг турларини, уларнинг чексизлигини ва уларни қондиришга зарур бўлган ресурсларга номутаносибилини англаш;
- иқтисодиётнинг асосий муаммоси маъносини тушуниб етиш ва бу муаммони ечишнинг иқтисодиёт фани олдида турган бош масала эканлигини тушуниш;
- ишлаб чиқаришнинг зарурлигини англаш; ишлаб чиқариш омилларини ва уларнинг вазифаларини фарқлай билиш;
- натурал хўжаликдаги муносабатларнинг асосий камчиликларнинг айирбошлашни зарур қилиб қўйганлигини тушуниб етиш;
- товар хўжалиги ва айирбошлашнинг ихтисослашув ва меҳнат тақсимоти натижасида вужудга келганлигини идрок қилиш;
- пулнинг келиб чиқиш ва ривожланиш тарихини мантиқан таҳлил қилиб пулнинг моҳиятини ва унинг муҳимлигини хулосалаш;
- пулнинг вазифалари ва аҳамиятини ажрата олиш;
- пулнинг айланиши, пул эмиссияси, инфляция, гиперинфляция тушунчаларининг моҳиятларини тушуниш;
- иқтисодий кўрсаткичлар: даромад, чиқим, фойда, зарар, рентабелликлар орқали иқтисодий фаолиятни таҳлил қилишни ўрганиш;
- харажатларни камайтириб, даромадни кўпайтирган ҳолда яхши иқтисодий натижаларга эришишга ўрганиш;
- уй-рўзғъор, оила хўжалигини юритиш кўникмаларини шакллантириш;
- талаб ва таклиф тушунчаларини ўзлаштириб, бу тушунчаларнинг бозордаги аҳамияти ва ўрнини англаб бериш;

- талаб ва таклифнинг ўзаро муносабатини ва уларнинг нарх билан ўзаро муносабатларини топа билиш;
- нархнинг бозор қитисодиёти шароитидаги белгиланиш тамойиллари билан танишиш ва уларнинг режали иқтисодиётдаги нарх ўрнатилиши тамойилларидан фарқларини англаш;
- тарихдаги иқтисодиёт тизимлар, айниқса режали иқтисодиёт камчиликларини таҳлил қила билиш;
- бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги иқтисодий фаолиятнинг ўзига хослигини тушуниб етиш;
- Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишни беш тамойили маъносини тушуниш ва уларнинг Ўзбекистон келажаги учун аҳамиятини англаш;
- мулк ва мулкий муносабатларнинг иқтисодиётдаги рўлини, мулкнинг шаклларини, мулкдорнинг иқтисолдий фаолиятидаги афзалликларни тасаввур қилиш;
- оилавий мулк ва бу мулкдан фойдаланишда иқтисодий ёндашиш кўникмаларини ҳосил қилиш;
- хусусийлаштириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим шарти эканлигини, Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнининг боришини тавсифлай олиш;
6. Бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида давлатнинг етакчилик фаолияти нимадан иборат эканлигини тушунтириб беринг.
7. Озбекистонда бозор иқтисодиётини қарор топтиришнинг қандай давлат дастурларини биласиз? Улар бир бирлари билан қандай боьланганлигини таълил қилинг.
8. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларнинг чукурлаштиришнинг мазмунини тушунтиринг. Республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш оз олдига қандай вазифаларни қояди?
9. Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмунини баён қилинг. Мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва мулкни тасарруф қилиш тушунчаларини изўланг.
10. Озбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қандай босқичларда амалга оширилади? Бу жараёнларнинг ъозирги босқичидаги хусусиятлари нималардан иборат?

***MAVZU: IҚTISODIЁT FANININҒ RIVOJLANIШIҒA OZ ҲISSASINI ҚОШҒAN OLIMLAR.”(2 соат назарий)***

***REJA:***

1. **БИРИНЧИ ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДЧИЛАР.**
2. **АДАМ СМИТNINҒ KORINMAS ҚOL ҒОЯSI.**
3. Мадам Уокерpinҕ яратҕan maxsus кондиционерi.
4. **ИРВИНГ ФИШЕР VA FIШER TENҒLAMASI**
5. Джон Кейнс va uninҕ XX asr iқtisodiёtiҕa осҳҕan ёli. .
6. Давид Рикардо iш faoliяti.
7. Роберт Манделninҕ maшinasozlik rivojiҕa қошҕan ҳissasi.
8. Амартия Сенninҕ қашоққlikҕa қarшi ғояsi.
9. *Пол Самуэлсон ва Милтон Фридманninғ tadbirkorlikni rivojlantiriшdaғi orni.*

Республикамизда таълим устиворлиги тўгърисидаги гъоянинг амалга оширила бориши, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришишнинг дастлабки меваларидан биридир. Призидент И.А.Каримов таъкидлаганидек,

таълим нуфузини ошириш ва истеъдодли ижодкор ишларни қўллаб – қувватлаш тўгърисидаги фармонига мувофиқ кейинги йилларда ўқувчилар эгаллаган билим, малака ва кўникмалар қай даражада ўзлаштиришлари учун етарли қўлланма, тавсия ва кўргазмали куроллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу тавсиянома ўрта умумтаълим мактабларининг иқтисод ўқитувчилари ва ўқувчилари учун жаъон иқтисодиёт фанининг шаклланишига ва ривожланишига муносиб ҳисса қўшган олимлар ва фан номзодлари ҳақида қисқача маълумот берилган. Ўйлаймизки, уларнинг фаолиятлари ишларимиз учун намуна бўлади ва иқтисод фанини чуқурроқ билишларига кўмак беради.

## *1.БИРИНЧИ ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДЧИЛАР*

*Бугун сиз янгиликларда савдога таалуқли баъсларни эшитасиз. Савдо эркин бўлиши керакми? Давлат савдони назорат қилиш керакми? Давлат бизнес ва тижоратни тартибга солиши керакми? Қизиқ, лекин бу баъслар бир неча асрлар мобайнида давом этиб келмоқда.*

**Меркантилистлар**. XVI ва XVIII асрлар оралигъидаги даврда Европадаги кўпгина давлатлар меркантилизм иқтисодий назариясининг таъсири остида эдилар. Меркантилистлар, мамлакат худди савдогарлар каби фойда олиш учун бир бирлари билан рақобат қилишлари керак, деб такидлардилар. Демак, ҳукумат ҳам, уларнинг фикрича, саноатни иш хақи ва бошқа ресурслар харажати кам бўлиб, экспорт (товарларни бошқа мамлакатларга сотиш) ҳажми кўп бўлишига қаратилган қонунлар чиқариш билан қўллаб  қувватлаши керак эди. Шундагина, миллатлар «қулай савдо баланси» га эришган бўлар эдилар, деган гъояни илгари сурган.

Мамлакат экспорти унинг импортидан ортиқ бўлган вазият «қулай савдо баланси» деб аталади. Ишлаб чиқарувчининг фойдасига ўхшаш бўлган ана шу ортиқчалик миллий олтин ва кмуш захирасининг кўпайишига олиб келади. Ўша даврдаги кўпчилик одамларнинг фикрича, бундай захира миллат фаровонлигининг аниқ ўлчови хисобланган.

Хўзир ҳам мамлакат қулай савдо баланси учун курашиш лўзим, федерал хукумат импортга мумкин қадар қаршилик кўрсатиб, экспортни

рағъбатлантириш керак, деб хисоблайдиган одамлар бор. Уларни неомеркантилистлар ёки «янги мерконтилистлар» деб аташади.

**Физиократлар.** XVII асрда француз файласуфлари ва иқтисодчиларидан бир гуруҳининг таклифига кўра, жамият бизнес ва саноатни қўллаб - қувватлашдан вўз кечиб, уларга эътибор бермаслиги керак эди. Булар физиократлар эди.

Физиократлар қишлоқ хожалик махсулотлари ва бошқа табиий ресурслар, бойликнинг хақиқий манбаи, деб хисоблар эди. Зеро, улар Худо томонидан ином этилгани туфайли хукумат оқилона иш тутиши, бизнесга халақит бермаслиги ва табиатни ўз холига қўйиши керак. Шу мулохазаларга асосланиб, улар хукуматнинг «қулай савдо баланси»га эришиш йўлидаги уринишларига қарши чиқдилар. Уларнинг гъоялари «одамлар хохлаган ишларини қилишга имкон беринг» деган шиор билан ифодаланди.

Шуниси қизиққи, бу икки оқим ўртасидаги бахслар хали ханuз тохтагани йўқ. Иқтисодий муаммолар қандай бўлишидан қатий назар, айрим одамлар бу муаммони хал этишга давлат аралашувини ёқлайдалар, бошқалари эса табиий иқтисодий кучларга эркинлик берилиши тарафдоридир.

### *2.Адам Смитninғ Korinmas қўl ғъояsi. (1723-1790)*

***Адам Смит*** 1723 – йилда Шотландияда тугъилган. У 14 ёшдаёқ Глазго Университетида оқир эди. Хўзирги стандартларга кўра бу анча эрта, лекин ўша даврларда бу одатдаги холат эди ва университетларда ўқишни анча эрта бошлашар эди. 17 ёшида университетни тугатгач, Смит Оксфорд Университетида ўқишни давом эттириш учун Англияга борди. Бу ерда у олти йил давомида деярли мустақил оқиди. Ўша пайтдаёқ Смит ўзининг иқтисодий гъояларини ривожлантира бошлаган эди.

Лекин Адам Смит хеч қачон иқтисодиёт сўзини ишлатмаган, хаттоки, бу фанни яратганлигини ҳам англамаган. У Глазго Университетида дарс бера бошлаганида ҳам, у иқтисодиёт эмас, Ахлоқ Фалсафаси ўқитувчиси бўлган.

Смит кўп йиллар давомида Оксфортда ривожлантира бошлаган гъоялари устида кўп оқиди, саёхат қилди ва ишлади. 30 йиллик тадқиқотнинг натижаси 200 йиллар давомида инсонларга таъсир қилган янги фан ва китоб бўлди.

Янги предмет, албатта, иқтисодиёт эди, китоб эса «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўгърисида тадқиқот» деб номланди. 1776- йилда АҚШ нинг Мустақиллик Декларацияси билан бир вақтда элон қилинган китоб оша даврнинг қотиб қолган назарига чақириқдек ташланди. Китобнинг асосий мавзусини Смит жуда узоқ ва синчковлик билан ойлаган масала эди. Қандай қилиб, одамларнинг фақат шахсий манфаатларини кўзлаб эркин айирбошлашнинг амалга оширилиши жамиятнинг энг яхши мақсадларини амалга оширишга ёрдам беради?

Смит оила аъзолари ва дўстлари орасида хайрихохлик муносабати мухимлигини билар эди. Одамлар яқинларига чин дилдан гъамхорлик қиладилар ва уларни билгани ва яхши кўрганликлари учун қариндошлари ва дўстларининг фойдасига харакат қиладилар. Лекин катта иқтисодиёт оламида, бугунгидай биз хеч қачон учрашмаган ва билмайдиган кўп одамларнинг ўзаро ёрдами ва ҳамкорлигига богълиқ бўламиз. Уларнинг ҳамкорлиги ва ёрдамига ишонч, бизга, одамлар уларга зарур бўлган нарсаларни олиш мақсадида айирбошлашни амалга оширадиган тизимни беради, деган эди Смит.

***Менга мен хохлаган нарсани беринг ва шунда сиз ҳам хохлаганингизни оласиз, - хар бир содир этилган айирбошлашнинг мазмуни шундайдир. Бизнинг кечки овқатимиз қассобнинг, ривочининг ёки булочкачининг бизга яхши муносабатига эмас, балки уларнинг бунда шахсий муносабатларига богълиқдир.***

Смит ишлаб чиқаришнинг мақсади эхтиёжларнинг қондирилиши хисобланади, деб тушунтирган. У шундай деган, эркин айирбошлаш иқтисодий тизимида одамлар истеъмолчилар, манфаатларига одамларнинг айирбошлашдан имкон қадар кўпроқ олиш истаги Янги махсулотларни ишлаб чиқиш, янги фирмалар очиш, ишлаб чиқаришнинг янги йўлларини татбиқ қилишни рагъбарлантирувчи хисобланади. Иқтисодиётнинг «кўринмас қўли» ижўзати билан, дейди Смит, биз бўзорда истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш учун шахсий қизиқишларимиз, талант ва қобилятларимизни ишлатиб, миллатнинг моддий ахволини кўтарамиз. Адам Смитнинг синчков зехни эркин айирбошлаш қандай қилиб, одамлар харакатини ташкил этиши ва мувофиқлаштирилишини сезган.

Замонавий иқтисодиётда ҳамон Адам Смитнинг цитаталари келтирилади. 90- йилларнинг АҚШ Давлат хазинаси раиси Лери Саммерс шундай деган эди: бугунги иқтисодиёт йўналишида қандай нарсани билиш мухимроқ? Мен ўз талабаларимга тушунтиришга уриндимки, бу нарса шуки, «кўринмас қўл» беркитилгандан кўра анча кичлироқдир. Ходисалар яхши ташкилий тартибда ўзи, хеч кимнинг йўналтиришисиз, назоратисиз ва режалаштирилишисиз содир бўлади.

### ***3.Мадам Уокерпінг*** **яратған maxsus кондиционері.**

Таклифни ўзгартириб бўладими? Косметика ва компютерлар ишлаб чиқаришини таққослаймиз.

Сиз таклиф чизгини кўрмаслигингиз мумкин, лекин улар алмашаётганда, нима бўлаётганини пайқайсиз. Бундан ташқари сиз ушбу ўзгаришларга ёрдам бераётган одамларни кўрасиз.

Шундай одамлардан бири Сара Бридлов еди. У 1867- йилда тугъилган ва унинг ота онаси сариқ безгакдан вафот этганларида, у бор – йогъи ўсмир эди. Кейинроқ у турмушга чиқди. Унинг эри оламдан ўтганида, у қизи

билан Сент Луисга кўчиб келди, у ерда кийимларни ювиш, косметика сотиш билан кун кечирди.

37 ёшида Сара Денверга кўчиб келди ва у ерда ошпаз бўлиб ишлади. Тезда Сара газета сотувчиси Уокерга турмушга чиқди. Бир куни Сара сочи тoкилаётганини пайқаб қолади ва дорихона фармацевти ёрдамида соч учун махсус кўндиционерлар яратади. Бе препаратлар шундай муваффақиятга эришдики, уларни деярли ҳамма сотиб ола бошладилар.

У Уокер хоним номи билан шухрат қўзонди. Унинг Уокер Мануфекчериз компаниясида 2000 га яқин аёллар ишлаган. Бошқа тадбиркорлар каби Уокер хоним мустақил характерга ега бўлиб, кўп ишлашга таййор ва ўз мақсадларига етишиш учун таваккал қила олар эди.

Бошқа тадбиркорлар ҳам шундай мустақил характерга ега бўлиб, уларда ҳам янгилик киритиш ва таваккал қилиш иштиёқи баланд эди.

Масалан, Стивен Джобс ва Стивен Вўзняк 1976- йилда Еппи компютерлари компаниясини яратганда, компютерларни фақат хукумат идоралари ва саноат лабораторияларидан топиш мумкин эди. Лекин Стивен Джобс компютерлар уйда одамлар ишлата олишлари учун фойдаланишга қулай ва қиммат бўлмаган қурилма бўлишини хохлар эди.

1300 доллар миқдордаги дастлабки капиталнийигъиш учун Джобс ўз Фолксвагенини, Вўзняк – чонтак калкуляторини сотди. Вўзняк електроникани яхши тушунар эди, Джобс еса тадбиркорлик қобилятига эга эди.

1985- йилда Джобс Эппл компаниясини тарк этгандан сўнг, у янги «Некст» компаниясини яратди. У «Еппл» га охшаган бошқача компютер мўжизасини яратишига ишонди, лекин «Некст» компютерлари яхши сотилмади.

Кейин 1986- йилларда Юлдузлар урушини  яратишга ёрдам берди. Джобснинг гъояси янги кўнгил ўчиш шаклларини яратишда компютердан фойдаланишдан иборат эди. Компания пулларидан айрилди, лекин Джобс бош келмади, унинг гъоялари 10 йил давомида мувафақият кўзониб юрди. Пиксар 1995- йилда мулртфилм қахрамонларига уч ўлчовли тасвир бериб, Дисней – филм студиясига ўйинчоқлар тарихи биринчи компютер филмини яратишга ёрдам берди.

Джобс «Некст» компютерлари билан шугъулланишни давом эттирди. Компютер ишлаб чиқаришни тўхтатиб, махсус дастур таъминоти билан шугъуллана бошлади, жахонда машхур бўлган веб сайтларни ишлаб чиқишда иштирок этди. 1994 – йилда «Некст» компанияси ўзини биринчи фойдаси хақида хабар берди. Хўзирги кунда Джобс яқинда компютерларни сотиш бўйича рекорд ўрнатган Эппл компаниясининг бош ижрочи директории хисобланади.

Стивен Джобс ва Уокер хоним иқтисодиётининг ўсишига иқтисодиётининг ўсишига тадбиркорлар қандай таъсир қилишини кўрсатишди. Улар таклифни, бандлик ва фойдани ўширади. Бу одамлар таклифни ўзгартира туриб, иқтисодиётимизда ижодий ўзгаришларга ёрдам кўрсатади.

### *4.Ирвинг Фишер va Fiшer tenғlamasi.*
### *(1867-1947)*

Ирвинг Фишер (1867-1947) – монетаризм назарияси асосчиси. Ирвинг Фишер Уелс университетининг профессори бўлган, маолумотига кўра математик бўлиб, ўз билимларини илгари сурадиган назарияларни асослаб бериш учун ишлатган. Унинг энг машхур назарияларидан бири бу айирбошлаш тенгламаси хисобланади. Айирбошлаш тенгламаси муомаладаги пулнинг нархлар даражасига нисбатини кўрсатади.

Айирбошлаш тенгламаси қуйидаги кўринишга ега (Фишер тенгламаси)

$$MV = PT,$$

Бу ерда: M – пул муомаласининг хажми
V – айланиш тезлиги
P – товар ва хизматларнинг ўртача нархи
T – сотилган товарларнинг миқдори

Тушинарли қилиб айтганда, айланиш тезлигига қуйидагича таъриф бериш мумкин, жами харажатлар мамлакатда ишлаб чиқарилган барча товар ва хизматлар нархига тенг.

M – бу муомалада юрган пулларнинг умумий хажми, V еса – унинг тезлиги. Айланиш тезлиги бу пулларнинг бир йилда қилинган айланишлар сони. Бошқача қилиб айтганда, муомаладаги пулларнинг миқдорини айланишлар сонига (MV) кўпайтирганда, иқтисодиётда бир йилда ишлатилган пул воситаларининг жами хажмига тенг бўлади.

Мисол учун, фараз қилайлик, сизнинг синфингиздаги ҳамма ўқувчи 1 долларлик товар ишлаб чиқаради. Сизнинг ўқувчингиз биринчи партада ўтирган ўқувчини товарини харид қилади. У эса ўз навбатида шу 1 долларга иккинчи партада ўтирган ўртогъининг товарини харид қилади.

Ўқувчилар ўша долларга бир – биридан товарларни сотиб олмагунча жараён давом этаверади. Агар синфда ўқитувчи билан 30 киши бўлса, 30 та товар сотилган бўлади. Бир доллар айланмада 30 марта иштирок этади. Айирбошлаш тенгламасини қўлласак, биз қуйдагига эга бўламиз, айланмадаги пул 30 доллар, чунки M = 1 доллар; V = 30; MV=1 доллар x 30 = 30 доллар.

Айирбошлаш тенгламаси нархлар ўзгариб туришини тушунишга ёрдам беради (пулнинг харид қилиш нарзи ўзгаришини). Чунки, MV = PT, унда P=MV/T, V ва T лар доимийлиги, айланишдаги пул миқдорининг ўзгариши нархга тўгъридан тўгъри таъсир этади. Бошқача айтганда, муомаладаги пулнинг хажми кўпайса, нархлар котарилади, ва аксинча. Пулнинг муомаладаги кўпайганда нархлар ўзгармаслиги ҳам мумкин, агар товар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши шу даражада ёки ундан ҳам зиёдроқ бўлса.

### *5.Джон Кейнс va uninғ XX asr iқtisodiёtiғa ocҳғan ёъli. (1883-1946)*

Джон Мейнард Кейнс: иқтисодга XX асрга йўл очиб берган иқтисодчи.

Тарихда энг обрўли иқтисодчилар сафида Джон Мейнард Кейнс Адам Смит билан бир қаторда туради. Кейнс таниқли инглиз иқтисодчиси оиласида тугъилиб, акция ва турли хил товарлар сотиб, бойлик ортирган. У давлат хазинаси амалдори ва молиявий масалалар бойича маслахатчи лавўзимларида Англия хукумати хизматида бўлган.

«Табиат ва халқлар бойлигининг сабаблари» хақида изланишлар китоби Адам Смит томонидан 1776 – йил ёзилган бўлса ҳам, XX асрнинг 30 – йилларига келиб, аксарият иқтисодчиларнинг тафаккур қилиш тарзи ўзгаргани йўқ. Давлатнинг иқтисодиёт сохасидаги энг яхши сиёсати бу – аралашмаслик дейдиган Смит нуктаи назари тарафдорлари кўп эди: иқтисодиёт аралашувсиз ишлаб турса, талаб ва таклиф кучлари тенг бўлади. Агар умумий талаб ва умумий таклиф мувўзанат холатида бўлса, иш қидириб юрган одам иш топиб, уни қониқтирадиган иш хақини олади, хар қандай компания эса ўз махсулотини бўзор нархларида сота олади.

Бироқ, 30- йилларда Буюк инқирўз бошланди. Классик мактабга мансуб иқтисодчиларнинг ишонтиришларига қарамай, АҚШ ва индустриал дунёнинг қолган қисмида ишсизлик ва банкротлик мисли кўрилмаган даражада етганлиги равшан бўлиб қолади. Айни шу вақтда (1936) Кейнс ўзининг бандлик, фоиз ва пулларнинг умумий назарияси деган китобини чоп этган. Бу китоб XX асрда «Табиат ва халқлар бойлигиниг сабаблари» китоби XVIII асрда ўзгартиргани каби иқтисодий тафаккурни тубдан ўзгартириб юборди.

Кейнс, умумий талаб ва умумий таклиф мувўзанат холатида бўлса ҳам тўла бандликка эришилмаслигини исботлади. Ундан ташқари, Кейнс агар бирорта томондан умумий талабни кўпайтириш учун чора кўрилмаса, ишсизлик чекланмаган узоқ вақт сақланиб қолиши мумкинлигини кўрсатиб берган.

Шу бирорта сўзида Кейнс давлатни назарда тутган. Агар давлат томонидан ижтимоий ишлар молиялаштирилса, илгари банд бўлмаган ишчилар даромад кўрадилар, бу эса ўз навбатида талабнинг осиши, иқтисодий фаолликнинг жонланиши ва умумий бандликнинг тикланишига олиб келади.

30 йилларда давлат иқтисодиётини барқарорлаштиришда фаол иштирок этиш учун сиёсатдан вўз кечиши «Laissez faire» керак, деган фикрлар инқилобий деб қабул қилинган. Шу даврдан бошлаб Кейнс инқилоби давомида илгари сурилган фикрлар тан олинди. Энди агар, бир мамлакат пасайиш ёки инфлация даврига кўра бошласа, Кейнс тарафдор иқтисодчилар (кейнсчилар) бу ходисаларни ўзгартириш учун, хукумат қандай чоралар кўриши мумкинлиги хақида ўйлай бошлайдилар.

### *6. Давид Рикардо iш faoliяti. (1772-1823)*

Давид Риккардо катта ўзгаришлар: Франция ва Америка инқилоблари, Наполеон урушлари, шунингдек, фермерлик ва ишлаб чиқаришдаги туб ўзгаришлар замонида яшаган. Атига 51 ёш умр кўрган бўлса ҳам, унинг хаёти юқори ютуқларга тўла бўлган.

14 ёшга тўлганда, отаси билан биргаликда биржага борган ва жамгъарма биржа брокери бўлиб ишга кириб, молия дунёсининг сир асрорларини тез ўрганиб олган. 30 га киргандаёқ ўзига катта мол дунё ортиришга улгурган.

Рикардо инглиз парламентининг аъзоси бўлган, аммо унинг асосий фаолияти иқтисод бўлган. Адам Смитнинг «Табиат ва халқлар бойлигининг сабаблари» китоби таъсирида, у иқтисодни мустақил равишда ўрганиб, ўша даврнинг бошқа иқтисодчилари билан хат ёзишиб турган. 1987 –йил у «Сиёсат иқтисод ва солиқ солиш принциплари» деб номланган китобини ёзиб тугатган.

Рикардо мутлақ ва нисбий устунлик орасидаги фарқни биринчи бўлиб тушунтириб берган. Мисол сифатида инглиз бўзини португал виносига айирбошлашни Португалия томонидан импорт қилинадиган товар Англияга нисбатан камроқ иш кучи сарфлаб ишлаб чиқарилганда, ушбу айирбошлаш ҳам амалга ошиши мумкин эди, деб тушунтириб беради.

Рикардо эркин савдо устунликларини илгари суриб, Англия галла импортини тақиқлаб қўйган тўсиқларни танқид этади. У Англияга етиштиришдан кўра, галлани Франциядан харид қилиш арзонроққа тушишини тушунтирган. Гъаллани импорт қилиб, Англия ўзининг ресурсларининг бир қисмини бошатиб, бошқа товарлар ишлаб чиқариши оқибатида, ҳам гъалла, ҳам бошқа махсулотларга ега бўлиши мумкин эди.

Парламент аъзоси сифатида Риккардо савдо тўсиқлар сиёсатини бекор қилиниши учун жон куйдирган. Унинг ўзи шу кунларни кўрмаган бўлса ҳам, унинг харакатлари 1840 йилда ўз натижасини берди. Англия индустриал мамлакатлар ичида биринчи бўлиб, эркин савдо сиёсатини қўллади. 70 йиллик жўшқин иқтисодий ўсишдан сўнг, у дунёда енг бой мамлакатлардан бири бўлиб қолди.

### *7.Роберт Манделпiнг машinasozlik rivojiга қўшган ҳissasi. (1932 - )*

Канадада тугъилган, Ню Йорк шахри Колумбия Дорулфунунининг ўқитувчиси, Robert Mandel 1999- йилда иқтисод сохасида Нобел мукофоти совриндори бўлган.

XIX асрда машинасўзлик ривожланиши одамлар хаёт тарзини ўзгартиргани каби, уяли алоқа, Интернет ва компютерлар XX аср инқилобини амалга оширди. Электрон инқилобининг ютуқларидан бири, бу халқаро савдо олиб боришини осонлаштиргандир. Жаҳон иқтисодиётини ўрганган иқтисодчилар ичида Роберт Мандел каби обрўли мутахассислар кам бўлган. Профессор Мандел ишлари, жахон савдосининг давлат ички иқтисодиётига таъсири хақида тушунчамизни ошириб, евро каби халқаро валютани барпо этишда ўз хиссасини қўшган.

Биз, Конгресс ва Федерал захира тизими монетар ва фискал сиёсатидан фойдаланишини кўриб чиқдик. Аммо профессор Мандел фикрича, ушбу усуллар фойдалилиги, кўп миқдорда АҚШ хукумати томонидан айирбошлашни ўзгармас ёки мосланувчан сиёсат олиб боришига боғлиқдир. У ўз фикрини қуйидагича тушунтириб берди:

АҚШ нинг белгиланган курс тизими валюта айирбошлаш курсларининг доимийлигини кафолатлаш мақсадида, ФЗТ (федерал захира тўловлари) доимий равишда чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш, фоиз устамаларини кўрсатиш ва пасайтириш лўзим бўлади.

Монетар сиёсат ФЗТ пасайиш билан курашиш мақсадида пул таклифини кенгайтириши ва фоиз устамаларини пасайтириши лўзимлигини биласиз. Бошқа тарафдан иқтисодиёт хаддан ошиқ тойинган бўлса, ФЗТ пул таклифини камайтириш ва фоиз устамаларини ошириш йўли билан инфляцияни бартараф этади. Лекин белгиланган айирбошлаш курси қўлланилаётган даврда бунинг иложи йўқ, чунки устамаларни ва пул таклифининг осиши ёки пасайиши чет эл сармоядорларининг норўзиликларини келтириб чиқариши мумкин.

Нега АҚШда фоиз устамалари пасайганда, сармоядорлар юқорироқ даромад топишнинг бошқа манбаларини излашга харакат қиладилар. Улар ўз дўлларини белгиланган айирбошлаш курси бўйича чет Эл валютасига алмаштириб оладилар. Чет эл валютаси таклифи паст бўлганда, ФЗТ сармоядорларини жалб қилиш учун фоиз устамаларини кўрсатишга мажбур бўлади ва шу тариқа ўзининг илк харакатларини химоя қилади, натижада, Мандел фикрича, белгиланган айирбошлаш курси қўлланилганда, монетар сиёсат хеч қандай наф келтирмайди.

Мослашувчан айирбошлашнинг курсидан фойдаланганда, фискал сиёсат хеч қандай наф келтирмайди. Масалан, пасайиш билан курашиш мақсадида, ҳукумат молиялаш тақчиллиги даврида ҳаражатларини кўпайтирди (қарзга маблаг олди), деб фараз қилайлик. Бунинг оқибатида доллар нархи ошади, Америка экспорти зарар кўради ва иқтисодиёт согъайиши қийинлашади.

Нега дўлларнинг мослашувчан айирбошлаш курси чет элликлар учун қимматга тушади? Чунки ҳукумат харажатлари, истеъмолчилар учун истеъмол устунлигини беради ва бунинг натижасида импорт миқдорини оширади. Бу чет элда дўллар таклифини кўпайтиради ва нархини пасайтиради, АҚШ экспортини миқдори ошади, чунки чет элликлар ўз пул маблагъларига кўпроқ дўллар харид қилишлари мумкин. АҚШ га келтирилган чет эл товарларининг нархи қиммат бўлади ва ахоли уларнинг харидини камайтиради.

Жахон иқтисодиёти сохасидаги изланишлардан сўнг, профессор Мандел мамлакат фақат бир валюта учун энг яхши минтақа эмас, деган фикрга келди. Аксинча, умумий валютадан устунлик оладиган, оптимал валюта ҳудудлари – деб қабул қилишди, аммо базилари пул маблагъларининг тўсиқларисиз чегаралардан ҳаракат қилиши иқтисодиётга қандай таъсир қилиши ъақида ойлашга мажбур қилди. Аксарият

иқтисодиётчилар Ушбу ишни еврони барпо этишда назарий асос сифатида ишлатилган деб хисоблайдилар.

### *8.Амартия Сенпіпғ қашоқlікға қагші ғъояsі. (1933 - )*

Амартия Сен Хиндистоннинг шимолий – гъарбида жойлашган Бенгала туманида ўсиб, ёшлигида хеч қачон унутиб бўлмайдиган воқеалар гувохи бўлган. 1943-йилда Бенгал уч миллионга яқин инсонлар хаётини олиб кетган дахшатли очарчиликни бошидан кечиган. Сен ўша вақтда 10 ёшда эди ва атрофида рўй бераётган қийинчиликларни тушуниб етолмаган. Аммо, бу фожеалар таассуроти унинг хотирасида ёд бўлиб қолган.

Сен ўрта хол оилада тугъилган ва унинг ота-онаси Хиндистоннинг қолаверса чет элнинг энг яхши мамлакатларида ўқиш имкониятларига эга бўлганлар. Англиянинг Кембридж университетида иқтисодиёт сохасида Фан номзоди бўлгандан сўнг, Сен Оксфорд, Гарвард ва Кембридж каби турли коллеж ва университетларида иқтисодиёт ва фалсафадан дарс бериб келган. Ҳозирги кунда у Кембриджда дарс бериб келмоқда.

Айниқса, унда жамият таъминланганлигига таъсир қилувчи иқтисодий дўлларларни ўрганадиган иқтисодиётнинг таъминланганлик соҳаси катта қизиқиш уйгъотган. Ўз мехнатларида у камбагъалликни ўлчаш усуллари, даромадларни тақсимлаш ва бази бир ташқи омиллар аҳолининг камбагал қатламларга таъсири хақида ёзган. Ҳамма таъкидлашича, бу унинг очарчилик сабабларини ўрганишга багъишланган энг яхши китобини ёзишга етаклаган.

Кўпчилик очлик ўзиқ- овқат махсулотлари етишмаслиги натижасида вужудга келади, деб хисоблашади. Сен бошқача хулосага келади. Очарчиликнинг уч даврини (иккитаси Бенгалияда ва биттаси Эфиопиада) ўрганиб чиқилиб, очарчилик даврида мавжуд бўлган ўзиқ-овқат захиралари оддий йилларда нисбатан ҳам кўпроқ бўлганини қайд этган. 1840-йилда ирландияда рўй берган очарчилик натижасида бир миллионга яқин одам ҳаётдан кўз юмган даврида эса ўзиқ-овқат Англияга экспорт қилинганлигини такидлаган.

Сен, - «Агар очарчилик сабаби, ўзиқ-овқат етишмаслигида бўлмаса, унда нимада?» - деган саволни қўйган. Сеннинг қисқача тушунтириш бўйича сабаби, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидадир. Бенгалия ва Эфиопиадаги очарчиликдан асосан, қора меҳнат билан шугъулланувчилар кўз юмганлар, чунки уларнинг даромадлари кутилмаганда нархлар ўсишига дош бера олмаган. Одамлар ўзиқ-овқат харид қилиш имкони йўқлиги сабабли, улар унга бўлган барча ҳуқуқларини йўқотган. Ирландия ҳақида ҳам деярли шу фикрни айтиб ўтиш мумкин, чунки бугъдой, гўшт ва бошқа ўзиқ-овқат махсулотларини Англияга экспорт қилиш оқибатида, уларнинг нархи юқори бўлган ва оддий дехқонларнинг бу товарларни харид қилиш учун маблагълари (ёки ҳуқуқлари) етмаган.

Сеннинг изланишлари кўрсатишича, «очарчилик ҳудудларига овқат етказиш» уринишлари ушбу муаммо ечими бўла олмайди. Очарчиликдан қийинчиликка дуч келган ахолига етадиган ўзиқ-овқат шу ернинг ўзига ҳам бўлиши мумкин. Ундан ташқари, эътиёжи бўлганларга харид қилиш имконини берувчи махсус дастурлар жорий этилиб, хусусий ўзиқ-овқат саноатини хавф остида бўлганлар томонига йўналтириш лўзим.

1998-йилда Шветция Қироллик Академияси Амарте Сенга иқтисодиётнинг таъминланганлик соҳасига қўшган ҳиссаси учун «Нобел» мукофоти билан тақдирлаган.

## 9.Пол Самуэлсон ва Милтон Фридманнинғ tadbirkorlikni rivojlantiriшdaғi ўrni.

Пол Самуэлсон ва Милтон Фридман иккита энг атоқли Америкалик иқтисодчилардир. Уларнинг иқтисодиёт сохасидаги хизматлари эътироф этилиб, 1970 йилда Самуэлсўнга, 1976 йилда Фридманго «Нобел» мукофоти берилган. Иккаласи касбий фаолиятининг кўп қисмини машхур университетларда ишлашга багъишлашган: Самуэлсон Массачусет технологик институтида, Фридман эса – Чикаго университетида. Таржимаи холларидаги ўхшашлик хар қандай одамни уларнинг иқтисодий муаммоларига қарашларининг ўхшашлиги хақида фикрга олиб келади. Уларнинг жиддий келишмовчиликлари давлат иқтисодиётда қандай рўл ўйнаши кераклиги масаласига тегишлидир. Адам Смит каби классик мактаб иқтисодчилари давлат айрим товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олиши керак, деган фикрга келадилар, масалан, хусусий тадбиркорлар амалга ошира олмайдиган миллий мудофага тегишли ишлаб чиқариш шулар жумласидандир. Лекин шунга қарамасдан улар давлатнинг иқтисодиётдаги рўли катта бўлмаслигини такидлайдилар.

Профессор Самуэлсон такидлашича, классик мактаб ечимини бўзор орқали хал қилишга қолдирадиган жуда кўп муаммолар нобўзор ходисаларга тегишли бўлиб, талаб ва таклиф қонунига мос келмайди. Унинг такидлашича, давлат иқтисодий сиёсатда мақсадларни аниқлашни ўз зиммасига олиши ва согълиқни сақлаш, таълим, саноат чиқиндилари каби масалаларини хал қилишда ўз хокимятини ишлатиши керак.

Милтон Фридмон бу муаммоларни бошқа томондан қараб чиқарди. У классик мактаб намоёндалари каби иқтисодиёт учун талаб ва таклиф энг қувватли ричаг ва салохияти бўйича анча фойдали деб хисоблайди. Фридманнинг фикрича, давлат иқтисодиёт ривожланиши учун қилиши мумкин бўлган энг яхши иш бу тадбиркорлик сохасига аралашмаслик ва бўзорга ўз билганини қилишга имкон яратишдир. Олимларнинг келишмовчиликларига энг кам иш хақи тўгърисидаги қонун мисол бўлиши мумкин. Самуэлсон бу қонунни кам хақ оладиган ишчиларга ёрдам бериш йоли деб қарайди, Фридман эса бу қонунлар аксинча, одамларга зарар қилади деб хисоблайди. Сабаб сифатида қуйидаги далилни келтиради, мехнатнинг қиймати ошиши билан кўплаб фирмалар учун малакасиз

ишчиларнинг меҳнатига хақ тўлаш зарарли бўлмоқда. Натижада йолланиши мумкин бўлганлар ишсиз бўлиб қолмоқдалар.

Самуэлсон уй жой қурилиши ва қашшоқлик даражасини камайтириш учун ўзиқ-овқат ёрдами бўйича давлат дастурларини молиялаштириш консепциясини қўллаб қувватлайди. Фридман аксинча, кам даромадли оилаларни қўшимча даромад билан таъминлаш ва улар ўз муаммоларини давлатнинг аралашувисиз хал қилишга имконият бериш тарафдоридир. Ушбу фикрни ривожлантира бориб, Фридман «салбий солиқ» киритиш таклифини берди. Осиб борувчи даромад солигъи даромадлар ўсиб бориши билан ортиб боради. Салбий солиқ кимнинг даромади ўрнатилган энг кам даражада паст бўлса тўловларнинг камайиб борувчи шкаласини билдиради.

***MAVZU: IҚTISOD FANINI ЎҚITIШ USLUBLARI. ЎҚUVCҲILARNI BAҲOLAШNINҒ REЙTINҒ TIZIMI. ЎZLAШTIRIШ VA ЎҚITILIШ MONITORINҒI.***

***(2 соат назарий)***

**R E J A :**

1. **Ижодий фаоллик назорати учун мавзулар**:
2. **Умумий ўрта таълим мактабларида иқтисодий**

**таълимнинг  мақсад, вазифалари va oқuv dasturi.**

3. **Иқtisodiй taЪlim bойiсҳa  takomillaштirilғan Davlat Talim    Standarti.**
4. **Иқтисодий билим асослари фани бўйича 8-синф ўқув дастури va rejasi.**
5. **Иқтисодий билим асослари фани бўйича**

**9-синф ўқув дастури va rejasi.**

ХТВ нинг 2005-йил 1-августдаги 191-сонли «Умумий ўрта таълимнинг такомиллаштирилган ДТС ва модернизация қилинган ўқув дастурларининг тажриба-синовларининг биринчи босқич натижалари ва уларни давом эттириш тўгърисида»ги буйругъи асосида 2005-2006-ўқув йилида 9-синфларда Қорақалпогъистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларидан танлаб олинган мактабларда такомиллаштирилган ДТС ва модернизатсия қилинган ўқув дастурлари тажриба-синовдан ўтказилди. Синов натижалари асосида янги таҳрирдаги ДТС ва такомиллаштирилган дастурлар ХТМ ҳайъат мажлиси қарори билан тасдиқланди (10 июн 2006-йил 152-сонли қарор) ва 2006-2007-ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий этилади.

Ушбу  такомиллаштирилган ўқув дастур ва мавзуий режалаштириш, 8-9-синфларда «Иқтисодий билим асослари» ўқув дастурида белигиланган барча мавзулар бўйича ўқувчиларнинг чораклар давомида ўзлаштиришлари лозим бўлган БКМ элементларини ўз ичига олган мажбурий стандарт назорат иш (МСНИ)ларини ҳамда ижодий фаоллик назоратини ўтказиш юзасидан тавсиялар ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси ХТВ нинг 2006—йил 10-июндаги 152-сонли буйругъи билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим мактаблири ўқувчиларининг таълим таёргарлиги даражаси рейтинги тўгърисида»ги Низомінинг янги таҳририга Ўзбекистон Республикаси Vазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Далат Тест Марказининг берган таклифлари ҳамда тажриба-синов натижаларига асосан айрим ўзгартиришлар киритилди. Бунга кўра назорат турлари оралиқ назорат, жорий назорат, ижодий фаоллик назорати, босқичли назорат ва якуний назорат турлари орқали амалга оширилади.

Оралиқ назорат ҳар бир ўқув фани бўйича ДТС да кўзда тутилган ўқувчилар ўзлаштириш лозим бўлган асосий билим, кўникма ва малака элементлари сони аниқ белгиланган мажбурий стандартли назорат ишлари орқали амалга оширилади. Ҳар бир мажбурий стандарт назорат иши ўқувчилар билимларига бўшлиқларни аниқлаш ва улар томонидан ўқув фанига муайян бўлим ёки мавзулар гуруҳининг мажбурий қисмини ўзлаштиришнинг ҳақиқий даражасини баҳолашни мақсад қилиб олади. МСНИ лардаги БКМ элементларини бажаришини баҳолашда қўйилган талабнинг 55% бажарилган бўлса-«бажарди», агар 55% дан кам бажарилган бўлса-«бажармади» кўринишида ифодаланади ва рейтингнинг меъёрий негизи бўлиб ҳисобланади. МСНИ баҳолашда текшириладиган билим, кўникма ва малака элементларининг ҳар бири уларнинг сонидан қатъий назар «5» балл билан баҳоланади.

Бажарилган БКМ элементларининг баллар йигъиндиси МСНИ даги элементлар сонига бўлиниб, ўртача қиймати чиқарилади. Ушбу балл назорат ишининг ҳақиқий бали ҳисобланади. МСНИ тест-синови, иқтисодий масалалар шаклида ўтказилади.

Жорий назорат (ЖН) орқали назоратлар орасида ўтказиладиган кунлик сўров бўлиб, у ўқувчиларнинг билимларида бўшлиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш, ўқув фаоллигини ошириш мақсадида амалга оширилади.

Жорий назорат ярим йилликда камида 6 маротаба ўтказилади. Ўртача жорий назорат балини чиқаришда ўқувчининг ярим йилликда олган жорий назорат балларини қўшимб ўртача қиймати чиқарилади ва яхлитланади.

Ижодий фаоллик назорати (ИФН)-рейтинг доирасида барча ўқувчилар учун мажбурий бўлмаган, ижодий ишларнинг ихтиёрий бажариши орқали уларнинг истак ва хоҳишларига кўра ташкил этилади. ИФН ярим йилликда бир маротаба ўтказилиб, ижодий иш учун ўқувчи «5» балл, камчиликлар бўлса «4» балл билан баҳоланади.

Ижодий топшириқ ва ишларнинг шакиллари ўқитувчи томонидан белгиланади ва фан методика бирлашмасида рўйхатга олинади ҳамда ҳимоя куни белгиланади. Ижтимоий фанлардан ўқувчи йил давомида битта реферат ҳимоя қилиши мумкин, реферат ҳимоя қиладиган кун ўқувчига байрамдек бўлиши ташикіл қилиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ҳимояда илгари сурилган мавзуда бир неча фанлар даҳлдор бўлса (масалан: бирор бир давлатнинг географик жойлашуви, миллий қадрятлари, тарихи ва ҳ.з) у ҳолда ушбу (ижтимоий) фанлардан ҳам ўқувчининг фаолияти баҳоланиши тавсия этилади. ўқувчиларга фаоллик назорати учун бериладиган реферат мавзулари

метод бирлашмада ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим, бунда ўқувчиларнинг ёш ҳусусиятлари эътиборга олиниши керак. Мисол сифатида ижодий фаоллик учун қуйидаги мавзуларни тавсия этiladi.

**1.Ижодий фаоллик назорати учун мавзулар**:

8-синф

«Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» мавзуси бўйича ролли ўйинлар тайёрлаш.

«Бозор ва уларнинг турлари» мавзуси бўйича жонли кўриниш тайёрлаш.

«Ўз ҳақимда талаб қиламан» мавзуси бўйича саҳна кўриниши тайёрлаш.

«Оила даромадини тақсимлаш» мавзуси бўйича дебат ўтказиш.

«Ўзбекистон бозор иқтисодиёти сари» мавзуси бўйича кичик саҳна кўринишини тайёрлаш.

Ҳар бир гуруҳда 6-8 нафар ўқувчи иштирок этиши лозим. Ҳар бир ўқувчи ўз ижодий ишини ҳимоя қилади. Дарс сўнгида ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан ҳар бир ижодий иш юқорида тавсия этилган рейтинг тизими бўйича баҳоланади.

9-синф

Ижодий фаоллик назорат намунавий мавзулар:

«Тадбиркорлик» фаолияти билан танишиш мавзусида саҳна кўриниши тайёрлаш.

«Бизнес гъоя»ни амалга ошириш мавзуси бўйича лойиҳа ишлаш.

«Ўз маҳсулотларимни реклама қиламан» мавзусида саҳна кўриниши тайёрлаш.

«Банк кредит» мавзусида амаллий машгъулотлар ташкил этиш.

Ўқувчиларнинг ижодий баҳолаш.

Ҳар бир гуруҳда 6-8 нафар ўқувчи иштирок этиши лозим.

Ҳар бир ўқувчи ўз ижодий ишини ҳимоя қилади. Дарс сўнгида ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан ҳар бир ижодий иш юқорида тавсия этилган рейтинг тизими бўйича баҳоланади.

Босқичли назорат – синфдан-синфга ўтиш даврида ўтказилади. Мазкур фанга йўналтирилган синфларда ва ихтисослаштирилган мактабларда метод

бирлашма ва педагогика кенгаши қарори билан босқичли назорат амалга оширилади.

Якуний назорат умумтаълим мактабларини битириш имтиҳонлари тарзида ўтказилади. Ўтказиш усули, фанлар рўйхати ХТВ нинг алоҳида буйругъида келтирилади.

## 2. Умумий ўрта таълим мактабларида иқтисодий таълимнинг мақсаді , вазифалари va oқuv dasturi.

### Ўқув дастури (8-9-синф)

Республикамизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиб, бозор иқтисодиёти томон юз тутиши, буюк келажакни яратувчи баркамол авлодни, янги замон ва янги жамият кишисини тарибиялашдек ўта масулиятли, машаққатли ва айни замонда ўта долзарб бўлган вазифани келтириб чиқарди. Ҳозирда, вужудга келган иқтисодий шароит янгича маънавият тафаккурга эга бўлган, дунёга янгича кўз билан қарайдиган, янгича фикрлайдиган, янги авлоднинг иштирокини тақазо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўгърисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг қилиниши бу соҳадаги қилинадиган ишлар кўламини ва йўналишларини белгилабгина қолмасдан, таълим соҳасида ўзига хос инқилобий бурилиши ясади. Миллий умумий ўрта таълимни халқаро даражага олиб чиқиш, уни жаҳон андозаларига мос қилиb, тубдан ислоҳ қилиш мамлакатимиз таълим олдида энг устивор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилади..

Жамият ҳаётида оламшумул ўзгаришлар рўй бераётган, таълим тизими тубдан қайта кўриб чиқилаётган бир даvрда, таълимнинг ҳар бир соҳаси, ҳар бир фан ўқитилишининг мақсади, мазмуни, шакллари, усуллар ва воситалари услубий тизими, уларга қўйилаётган меъёрий талаблар даражасини қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш лозим бўлади. Шу bилан бирга, иқтисодий таълим мамлакатимиз умумтаълим мактаблари учун янгилик бўлмб, бу соҳада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ва ташкилий тадирлар кўлами ўзининг долзарблиги, маъсулиятлилиги билан ажралиб туради.

Ушбу иқтисодий таълим давлат стандарти Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг ислоҳоти натижасила таркиб топиши кўзда тутилаётган ўрта умумтаълим мактабларида «Иқтисодий билим асослари» фани бўйича ўқучилар ўзлаштиришлари лозим бўлган меъёрий талабларни, мактабдаги иқтисодий таълим ўқувчилар учун яратиб берилган имкониятларни ёритиб беради.

«Иқтисодий билим асослари» фани бўйича давлат таълим стандартини тузишда, бир томондан мактабларда ўтказган синов натижалари ва шахсий тажрибалардан фойдаланилган, иккинчи томондан ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий таълим стандартлари, меъёр ва дастурларининг ижобий томонлари ҳисобга олинди.

**Умумий ўрта таълим мактабларида иқтисодий таълимнинг мақсад ва вазифалари.**

Умумий ўрта таълим мактабларида иқтисодий таълим мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- миллий ва мустақиллик гъояларини таргъиб этиш;
- халқимизнинг тарихий, интеллектуал, маънавий ва иқтисодий меъросини ўрганиш:
- ватанпарварлик, миллий гъурурни таркиб топтириш а ривожлантириш;
- иқтисодиёт илми риожига ҳисса қўшган қомусий олимларимиз илмий меросидан ўқувчиларни хабардор қилиш;
- ўқувчиларда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, янги иқтисодий маданият, янгича иқтисодий фикрлаш ва тафаккурни шакиллантириш;
- республикамизнинг иқтисодий салоҳияти, Президент асарлари ва қатор фармон, қонун ва қарорларда ўз аксини топган иқтисодий сиёсат асослари, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодийислоҳатлар, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари билан таништириш;
- ўқувчиларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш, замонаий иқтисодий назария ва тадбиркорлик асосларини сингдириш;
- ўқувчиларга онгиdа вужудга келган иқтисодий шарт-шароитлар асосида яшаш ва фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган амалий иқтисодий билим ва малакаларни шакиллантириш;
- ўқувчиларда жамият тараққиётида бўлаётган ўзгаришларнинг иқтисодий моҳиятини англаш, таҳлил қилиш, улар ҳақида фикр юритиш ва ўз муносабатини билдириш кўникмаларини таркиб топтириш;
- иқтисодиёт билан богълиқ бўлган муайян ҳаётий вазиятларда энг мақбул ечим топа билиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

**3.Иқtisodiй taЪlim bўйисҳа takomillaштirilғan Дavlat Talim Ctandarti.**

Ўзбекистон Республикасида «Умумий ўрта таълим тўгърисидаги низом» ва умумий ўрта таълим бўйича давлат таълим стандартларининг

қабул қилиниши, vужудга келган янги ижтимоий вазият ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда, умумий ўрта таълимнинг мақсади, мазмуни ва вазифаларини ойдинлаштириб берди.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўқувчиларнинг умумий таълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани, таълим мазмуни, шакиллари, воситалари, усулларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилаб берувчи ҳужжатдир. Давлта таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув дастури, дарсликлар, қўлланмалар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шундай бўлгач , ҳар бир фан бўйича яратилган давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларини синчиклаб ўрганиш ва уни жорий этиш ҳар бир педагог учун касбий бурч ҳисобланади.

Иқтисодий билим асослари фани бўйича давлат таълим стандартлари такомиллаштирилди ва 2004-2006-йиллар давомида синовдан ўтди.

**Қуйидаги такомиллаштирилган давлат таълим стандартини келтирамиз:**

Умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари иқтисодий билим асослари фани бўйича қуйидаги билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:

- иқтисождий ресурсларнинг эҳтиёжларга нисбатан чекланганлиги муаммоси, имкониятлар ичидан бирини ёки бир нечтасини танлашга олиб келишини тушуниб йетиш;
- танловнинг муқобил қийматини аниқлай олиш;
- энг содда иқтисодий қарор қабул қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ишлаб чиқариш омилларини тавсифлаш;
- меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувдан кўзланган асосий мақсад-меҳнат унумдорлигини оширишдан иборат эканлигини англаш;
- ҳар қандай иқтисодий хўжалик юритиш тизими: «Нима ишлаб чиқариш керак?», «Қандай ишлаб чиқариш керак?», «Ким ишлаб чиқариш керак?» деган саволларга жавоб бериши лозимлигини тушуниб йэтиш;
- иқтисодий тизимлар ва уларнинг ижобий ва салбий томонларини билиш;
- бозор иқтисодиётининг асосий ҳусусиялари: эркин иқтисой фаолият, ҳусусий мулк, эркин нархлар, фойда олишга бўлган интилиш, монополияни рад этиш ва рақобатнинг моҳиятини билиш;
- Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишининг Президент И.А.Каримов ишлаб чиққан беш тамойилнинг моҳиятини тушуниш;
- Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш тақсадида қишлоқ хўжалиги, молия-кредит, ташқи иқтисодий фаолият ва ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлардан ва мустақиллик даврида эришилган ютуқларидан хабардор бўлиш;
- Бозор тушунчасини кенг маънода тушуниш ва бозор турларини билиш;
- Айирбошлаш, пул тушунчаларини ва пулнинг vазифаларини билиш;
- Товарга бўлган талаб ва товарнинг таклифи тушунчаларини билиш;
- Талаб ва таклиф қонунларининг моҳиятини тушуниш;

- Талаб ва таклиф чизиқлари асосида товар бозор нархи ва миқдорини топа билиш;
- Истеъмолчиларнинг, оила-уй хўжаликларининг даромад манбалари ва харажатларини билиш;
- Бозорда истеъмолчи, харидор сифатида ўзини тутишнинг бошлангъич амалий кўникмаларини эгаллаш;
- Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини билиш;
- Оилада рўзгІор юритиш ва тежамкор бўлишнинг бошлангъич амалий кўникмаларини эгаллаш;
- Турли хил мулк шаклларини билиш ва уларни бир-биридан фарқлаш;
- Ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан, ўзгармас ва умумий харажатларини аниқлай олиш ялпи даромад ва фойдани топа биліш;
- Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш;
- Бозорларни монополлашиш даражасига қараб фарқлай олиш;
- Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш;
- Тадбиркорликнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шактлларини билиш;
- Менежмент ва маркетинг тушунчаларининг моҳиятини тушуниш;
- Тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг ташкилик ва молиявий йўл-йўриқлари билан танишиш;
- Асосий эколигик муаммоларни билиш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларини иқтисодий нуқтаи назардан тушунтира олиш;
- Тадбиркорлик билан шугъулланишнинг бошлангъич кўникмаларига эга бўлиш;
- Давлатнинг иқтисодиётдаги ўрни ва азифаларини билиш;
- Давлат буджети, унинг даромад қисми манбалари ва жаражат қисми таркибини билиш;
- Банк тизими, Марказий банк ва тижорат банкларининг вазифаларини билиш;
- Давлатнинг иқтисодий (буджет-солиқ ва пул-кредит) сиёсати ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- Мамлакат иқтисодиётининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини билиш ва турли мамлакатларнинг кўрсаткичларини ўзаро taққослай олиш4
- Иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш тушунчаларинг моҳиятини билиш;
- Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти тўгърисида маълумотга эга бўлиш;
- Ишсизлик ва инфлатсиянинг моҳияти, сабаблари ва оқибатларини билиш;
- Халқаро савдо ва ихтисослашувнинг афзалликлари а камчиликларини билиш;
- Ташқи савдога қўйиладиган тўсиқлар ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- Валюта курси ва унга таъсир этувчи омилларни билиш;

- Жаҳон иқтисодиёти муаммоларидан воқиф бўлиш;
- Иқтисодиёт илми тарихига оид асосий фикрларни ва унинг тараққиётига ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ва иқтисодчи олимлар ҳақида маълумотга эга бўлиш;

Иқтисодий билим асослари фанидан ўқув дастури

Давлат таълим стандарти талабидан келиб чиққан ҳолда «Иқтисодий билим асослари» фанидан янги такомиллаштирилган ўқув дастури ишлаб чиқилиб, 2004-2006-йилларда синовдан ўтказилди ва 2006-2007-ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига жарий этилмоқда. «иқтисодий билим асослари» фани ўқув дастури ўқитувчи томонидан ўқувчиларга берилиши мажбурий бўлган таълим мазмунининг минимал даражасини белгилайди. Бу мазмун қайси тушунча а фактлар ёрдамида, қай кетма-кетликда берилиши орқали ёритилиши ўз ичига олади. Шунингдек, дастурда ўқучиларнинг алоҳида 8-ва 9-синфларда фандай билим, малака ва кўникмаларга эга бўлишшлари ҳақида ҳам маълумот, намунавий мазу ўқу режаси ва саотлар тақсимоти ҳам берилган. Бу ўқу режа тасиявий характерга эга бўлиб, ундаги мавзулар кетма-кетлиги, саотлар тақсимоти оқитувчи ташаббусига кўра қайта кўриб чиқилиши, ўзгаришлар мактаб ўқув-услубий кенгаши томонидан муҳокама қилиниб тасдиқлангач, ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин.

## 4. Иқтисодий билим асослари фани бўйича 8-синф ўқув дастури va rejasi.

I боб. Иқтисодиётга кириш (7соат)

